

"Сарайкўл" маҳалласини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида



Таъкидлаб ўтиш жоиз, Шеробод тумани ҳокимлиги ҳамда тумандаги "Чори Аллаёр ўғли" ф/х раҳбари Ч.Норбоев, "Азизбек Алик ўғли" ф/х раҳбари А.Қувватов, "Ҳолиёр бобо" ф/х раҳбари Х.Холиёров, "Қодирбек-Гулнорахон" МЧЖ раҳбари Х.Намозовлар, қолаверса тумандаги яна бир гуруҳ фермерлар ва тадбиркорлар "Сарайкўл" маҳалласини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида алоҳида хизмат қилишди. Шу боисдан "Сарайкўл" маҳалласи жойлашган Тахиатош туманининг 3-сектори раҳбари, ИИБ бошлиғи томонидан ташаббускорларнинг хизматлари эътироф этилиб, уларга Қорақалпоқ миллий либослари ҳамда ташаккурномалар топширилди.